

# Миллий Тикланиш



Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1999 йил, 7 сентябр

32(205)-сон



Фароғатда кексаликнинг тахти-равони...

## Янги аср бўсафасида бақалавр бўлдим...

1997 йил 7 январ куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ташаббуслари билан республикамиз иқтидорли ёшларининг чет элда таҳсил олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси вужудга келди.

Мана икки йилдан кўпроқ бўлди. Қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси билан республикамиз иқтидорли ёшларининг чет элда таҳсил олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси вужудга келди.

Кўплаб тенгдошларим «Умид» жамғармаси совринига сазовор бўлиб, ўз мутахассисликлари бўйича билим ва таълим олишлари учун жамғарма билан республикамиз иқтидорли ёшларининг чет элда таҳсил олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси билан республикамиз иқтидорли ёшларининг чет элда таҳсил олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси вужудга келди.

Ташқиротларимизнинг ҳалқаро журналистика бўлимини бақалавр даражаси билан битирдим. Эндиликда мақсадим — Америка журналистика мактабларининг илғор тажрибасини ўрганиб, энг замонавий ахборот воситаларимизга тадбиқ этишдир.

Бугунги кунда умумбашари кадрлар билан бир қаторда миллийлик, миллат тушунчалари ижтимоий-сиёсий во-

қеликнинг марказига айланганда биз Ватанимиз, давлатимиз манфаатларини ҳимоя қилиш учун бу жараёнда қатнашмасдан иложимиз йўқ. Демократик, биз янги аср ва янги минг йиллик бўсафасида она юртимиз Ўзбекистоннинг фаровон ва осойишта ҳаёти, саодати ҳақида орозу қилиб, юрагимизга яқин ниётларни жойлар эканмиз, биз халқимиз, ватанимиз биринчи навбатда ўз олдимизда масъулиятни ҳис қилишимиз керак. «Умид» жамғармаси совринига эга бў-

фақат шу давлатлар қатори, балки улардан кўра юксакроқ тараққиёт этган мамлакат даражасига кўтариш вазифаси қўйилган бўлиб турибди. Ахир мен эртага АКШ университетиде таҳсил олсаму ўрганганларим, эришганимизни Ўзбекистон деган ўлкага, ҳеч қандай қийинчилик билан олиб келишимиз мумкинми?

«Туркистон» газетасида Президентимизнинг «Умид» жамғармаси грантларининг соҳибдорларига табрик сўзини ўқиб, «Қаерда бўлсангиз ҳам бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигингизни истардим, сизнинг меҳнатингиз, эришганларингиз ютуқларингиз, эртанги ҳаётингиз халқимизнинг, Ватанимизнинг доимий диққат эътиборида бўлади» деган сўзлардан ниҳоятда руҳландим.

Мен ҳам олдимдаги жиддий синовдан ўтишда бор заковатим ва меҳнатимни аямайман. Бугун эса 1999 йил — Аёллар йилда мен ўз кучимга, ўз имкониятларимга ишонганим билан Аёли бўлишга интилиб, эртанги кунда халқимиз, Ўзбекистонимизга хизмат қиламан. Ёшлар келажакига ишонганим билан ватанпарвар йигит-қиз ҳақида гапириб қилганим Президентимиздан қанча миннатдор бўлсам оз.

Илоҳим, Ўзбекистонимизнинг бахтли келажакига учун ҳар кун қайғурган инсонлар кўп бўлсин.

Ҳурмат, эҳтиром билан Саломатхон РЕЙИМБОЕВА

### Сўз янги авлодга

лиш — бу муваффақият билан биргаликда катта масъулиятдир. Зеро, «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида мувофиқ бу жамғарма «ватанга фидокорона хизмат қиладиган, садокатли, унинг буюк ва қудратли бўлиши учун қайғурган, ўз иқтидори билан она юртини улғушлашга қобил истеъдодли йигит-қизлардан халқ хўжалигининг устувор тармоқлари учун юксак малакали мутахассислар тайёрлаш» мақсадида барпо этилган.

Биз Америка, Германия, Франция, Италия, Япония каби ривожланган мамлакатлар турмуш даражаси нақадарлигининг бевосита ғувоҳи бўлиб шундай хулосага келдикки, олдимизга Ўзбекистонимизни на-

### Диққат, танлов!

## МУСТАМЛАКАЧИЛИК ДАВРИ ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРА МАЖМУАСИ УЧУН

Ўзбекистон Бадий Академияси ва Ўзбекистон республикаси Маданият ишлари вазирлиги Тошкент шаҳар Юнусовод туманидаги Бўзсўв бўйида ўрнатилган «Мустамаккачилик даври қурбонлари хотира мажмуасининг бадий тимсолини яратиш бўйича очик танлов эълон қилади.

Танловда барча профессионал ва ҳаваскор ижодкорлар, ҳайкалтарошлар иштирок этиш мумкин.

### ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

Танловда бир ёки бир неча муаллифлар гуруҳи иштирок этиши мумкин.

— Лойиҳаларни яратиш материал ва ўлчамлари чегараланмайди.

— Танловда тақдим этиладиган лойиҳаларни шу йил 20 сентябргача Тошкент шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси 40-йўл топирилиши лозим.

### ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ УЧУН

- Битта биринчи — 150 минг сўм
- Битта иккинчи — 100 минг сўм
- Битта учинчи — 75 минг сўм мукофот белги-ланган.

Тақдим этилган лойиҳаларни йирик мутахассислардан иборат нуфузли ҳайъат қўриб чиқади.

Танлов мазмуни ва моҳиятини тўлақонли акс эттира олган энг муносиб лойиҳа Тошкент шаҳрида ўрнатиш учун танлаб олинади.

Танловда иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган лойиҳалар вилоятларда бунёд этишга тавсия қилинади. Қўшимча маълумот, топосема ва бошқа зарурий маълумот олиш учун Тошкент шаҳри Ш. Рашидов кўчаси, 40-йўл ёки А. Навоий кўчаси, 2 А га мурожаат қилиш мумкин. Телефонлар: 56-50-47, 41-34-30.

Ташкилий кўмита.

### ЭЙ, КҮНГИЛ...

Бир неча йил қантарилгач, яна олдим созимини Чўлпон

Мункайиб қироат қилаётган чол Умрини бошқатдан бошладан яна Рауф ПАРФИ

Сенга нима бўлди, қариган чоғда Илҳом парисига ошно тутидинг. Баҳорий насимлар кезган чорбоғда Атиргул баргидай ерга тўкилдинг.

Эй, кўнгил, маъзур тут мени ушбу дам, Дўст бўлсанг алдамчи бу фикрингдан қайт. Юртин чулғаганда овоз парвозлар, Соқин яшамокча хаддим борми, айт?

Навқирон авлодлар ортидан қолмай, Утли жабҳаларга ўзини ургим бор. Қайтадан яшариб қолган боладай Навқиронлар ила сафда тургим бор.

Бу кунлар ҳажрида қон ютиб ўтган Жувонмард оталар ҳурмати-ҳаққи. Ғуноҳи нелигин билонмай кетган Эрта завол топган умрлар ҳаққи,

Мудраб яшамокча хаддим борми айт, Оғзи энди ошга етганда юртим?! Белни маҳкам боғлаб хизмат қилар пайт, Ватан тупроғини кўзларга суртиб.

Шу боис кўлимга ушладим қалам, Керак пайт найзага дўнмоғи учун. Мен ҳам Бобурларнинг авлодиданман, Сатрларда синай овоз қалб кучин.

### ИСТИҚДОЛНИНГ ИЛК КУНИДА

Сизга нима бўлди одамлар, жимсиз, Морбоз илондай ювша ва қарахт. Нечун қувонмайсиз, наъра тортмайсиз, Ахир бошга қўниб турибди-ку бахт?!

Кўзингизни очинг, очинг каттарок, Занжирлар узилди ётибди ерда. Бу ширин туш эмас, уйғонинг тезроқ, Охири тафаккурни тўсибди парда.

Қонингиз мунча ҳам кетмаса совиб, Қонини ў ёки муз, томизда оққан. Намунча лоқайдсиз, кўзингиз юмиб Хайлар сурасиз маҳзун, толиққан!

Дарчадан боқасиз хавфсираб, чўчиб, Қонини ёрмасин деб ногаҳоний тош. Мунча кўймасангиз юрак олдириб, Қўркувга дўнмиди сиздаги бардош?

Кўчаларга чиқинг, бир-бирингизни Муборакбод қилинг, йнглаб ва қулиб. Аяманг овозини, аяманг сўзини, Ахир бу бир неъмат, неъматки буюк!

Сизга нима бўлди... Омон Хўжа ЗАЙНИДДИН

## БУЮК ИМТИҶОН

Мамлакатимизни мустақилликка эришуви иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий, маърифий соҳаларда катта-катта ислохотлар ўтказилишига имкониятлар яратди. Демократик жамият қуриш, фикрлар ва сўз эркинлиги, турли сиёсий партиялар, ҳаракатлар ва нодавлат, ношароат ташкилотлар тузишга кенг йўл очилди.

Ўзбекистонда турли сиёсий партияларнинг фаолият кўрсатиши жамиятнинг маълум даражада ривожланганлиги, демократик тузум мустақам ўрнатилганини кўрсатади. Партиялар-сиз жамиятда фикрлар эркинлиги бўлмайди. Сиёсий партиялар ҳокимият учун курашда ўз дастуридаги мақсад ва вазифаларни амалга оширади. Бунинг учун партиялар ўзларининг сардорлари (лидерларини) етиштиришга ҳаракат қилади. Сиёсий партияларнинг лидерлари етуқ, ҳар томонлама чиниққан, ватанпарвар ва ҳалқпарвар. иқтисодий-ижтимоий, сиёсий соҳаларни чўқур биладиган шахс бўлиши талаб этилади. Буни мустақилликка эришган ўз мамлакатимиз мисолида кўрдик. Демократик ва альтернатив асосда ўтган сайловда ғолибликни қўлга киритган Ислам Каримов Президент бўлгандан кейинги даврларда мамлакатимизда қанчалик катта ислохотлар амалга оширилганини дунё кўриб турибди.

1999 йил 5 декабрда бўладиган Олий Мажлисга сайловга номзод кўрсатиш ҳам ана шундай жиддий масъулиятли кишиларни танлаш талаб этади. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда мавжуд 5 та сиёсий партия Олий Мажлисга бўладиган сайлов муносабати билан катта синовлар бўсафасида турибди. Сайлов мамлакат ҳаётида жуда катта воқеа ва у ҳар фуқародан зўр масъулият талаб этади. Овоз бериш шунчаки варақани қўлга ташлаб келиш эмас. У шахс, фуқаро иродасининг намоён бўлиши, ўз келажакини мамлакат келажакига билан боғлашдир. Шунингдек, Олий Мажлис депутатлигига номзод ўзида Ватан, халқ келажакини муҳасамлаштириди. Буни сайловчилар ҳам, сиёсий партиялар ҳам бир зум унутмаслик керак.

Сайловларни талаб даражасига, ташкилий жиҳатдан пухта ўтишида давлат ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, оилалар катта аҳамиятга эга. Миллий тикланиш Демократик партияси биринчи бор мамлакат миқёсида катта демократик сайловлар ичига кириб бормокда. Партия сайловда билинади, намоён бўлади, чиниқибди, обрў-эътибор топади. Бунда вилоят партия ташкилотлари ва уларнинг шаҳар, туман шуъбалари, ҳар бир партия аъзосидан гоёт катта масъулиятлилик, фаоллик талаб этилади. Сайловчилар билан турли вазиятларда иш олиб борганда, улар билан учрашувларда партиянинг етакчилари, фаоллари, тарафдор ҳамда хайрихоҳлари Миллий тикланиш демократик партиясининг ғоялари, мақсад ва вазифаларини халққа ҳар томонлама яхши тушунтири олишлари, уларнинг мамлакат, халқ тақдирини ва унинг ривожини билан ҳамроҳан эканлигига ургу беришлари лозим. Дастуриимизда айтилганидек, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Миллат, Инсон ва Ватан манфаатларини қўлайдиган ва уларни муқаддас деб билган Ўзбекистон фуқароларини бирлаштириди. Бу партия миллатнинг маънавий борлиги учун ҳаракат қилади. Партиянинг асосий мақсади — Ватан тинчлиги, раънақи, барчани ягона оиладек ҳамжиҳат бўлиб яшати, келажакда кучли демократик давлат бўлишига эришиш, миллий ва умумбашари қадриятларни асраш, авайлаш, илмий-техникавий тараққиёт ва умумжаҳоний интеграция учун курашиш, янги замон кишисини тарбиялаш, ёшларда юксак маънавият ва маданиятнинг шакллантириш, халқимизнинг қўлга киритган ютуқларини авайлаш ва уни бойитиб бориш бўйича ҳаракат қилади.

Партиянинг фаоллари ана шулар ҳақида фикр юритишлари ва сайловчилар билан бўладиган учрашувлар, мулоқотларда шу мавзуларни кенг ва ҳар томонлама ёритиб беришлари лозим.

Тошўлат ТОШЛОҶОВ, ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзоси



...Тўйхона - Чамбилга, келин гулга, кўёв булбулга ўхшар...

### ЖУРНАЛИСТ ҚУВОНЧИ



Абдунаби Ҳайдаров «МТ» газетасининг фаол, масъул ходими, танлиқ журналист. Дўсти мизнинг яқинда бир гуруҳ маданият ходимлари, ёзувчилар, журналистлар

қаторида Президент фармони га кўра «Шўҳрат» медали билан тақдирланганлиги ҳамма-мизни шувонтирди. Хукумат мукофотидан руҳланиб, танлиқ журналист бугун янада гайрат ва илҳом билан енг шимариб ишляпти. Унга «МТ»нинг гуллаб-яшнаши йўлида катта муваффақиятлар тилаймиз. Абдунаби Ҳайдаровнинг ютуғидан бир бизгина эмас, эл-юртда уни таниган, қадрлаган барча кишилар хурсанд. Атоқли файласуф олим Абдулҳафиз Жалолов ҳам ўз табригини йўллаган.

Ҳурматли Абдунаби ҲАЙДАРОВ! Сизни, мустақил Ўзбекистон миллий истиқлолнинг 8 йиллиги ара-

фасида давлатимизнинг юксак мукофоти — «Шўҳрат» медали сазовор бўлганингизга муносабати билан чин дилдан самимий табриқлайман!

Сизга сикат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, мамлакатимиз йўлбошчиси — Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг жонаҳон Ватанимиз — Ўзбекистонини гуллаб-яшнаши, унинг иқтисодий қудрати, халқ фаровонлигини янада оширишга қаратилган ислохотлар сиёсатини оғишмай амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда улкан зафарлар тилайман!

Эҳтиром ила Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ

## ҶУСНИ ОРТАР...

Инсон қадрини англашга, миллатнинг саодат меъроҳига кўтарилишига жиддий эътибор берилаётган давр кишиларимиз. Дилимизга, элимизга саодат чечаклари туп қўйиб, гуллаб, этру ифор сочмоқда. Кунга санок ўргатган, саодатга сабоқ берган, фикри олам-тод алломалар илм-урфон чироқларини ёқиб кетган, саждагоҳ каби муқаддас юртимизда яна саодат созини чалмоқда. Бунинг ўзи бўлгани йўқ. От суринмай йўл топмас деганидек, чағир тошли йўللарда гоҳо тўсиқларга дуч келиб, изтироб чекиб, гоҳо равоқ қилиб, улғу мақсад манзилга дов солиб бораёلمиз.

Барчанинг жумладан, ёшларнинг ана шу суронли кураш йўлларини тасаввур қилиши учун уларнинг маънавий-маърифий ва ақлий жиҳатдан баркамол бўлиши, ҳаётга, воқеа-ҳодисаларга нисбатан онгли муносабатда бўлишларига эришмоғимиз лозим. Бунинг учун аввало ҳар бир инсон ўз-ўзини англаб етмоғи, она-юртга, халққа садоқатли бўлиши ҳам қарз ҳам фарз. Шу ўринда Президентимизнинг куйидаги эътирофи диққатимизни тортади: «Бугунги ҳаётимиз шиддати, воқеалар ривожини шу қадар жўшқинки, биз маънавият ва мафкура борасида қанчалик мунҳим ва зарур ишларни амалга ошираётган бўлсак-да, баъзи ўринларда, афсуски, кеч қолдик». Ана шу «кеч қолдик» бизни дўппилини ерга қўйиб, долзарб вазифаларни ўйлаб, режалаштириб олишга, амалий ишга бошимиз билан шўнгишга даъват этади. Барқ уриб ўсаётган кўнгил чечаклари гулга кирган, кучи танасига сиймай, ги-жинглаб кўкка сапчиган тойлардай ёш-

лар энди оҳор олаётган тақдирларини суйган қўнғир қўнғир эртасига боғла-ганлар. Танаси ирода, жасорат ва бахтга қотишган келажак эгаларининг тақдирларини ватан ва халқ тақдирини айро тасаввур қилмайдиган нурғул йигитлари, Барчин сийли, ўн бармоғида ўн хунарли қизлар бўлиб етишувлари учун жон қўйдириш давр тақозосидир. Қўнғиримиз қўнғир қилиқли бўлса, Тумарису Барчинойдек оқила, тадбиркор, ҳаё-одоба тенгсиз, садокат санам макомига етсалар, йигитларимиз Юсуф-талъати, Рустами дoston, Жалолиддин Мангубердидек жасорату матонат қули, мардлик белбоғини боғлаган шижоаткор бўлсалар, Ватан бекисёв даражада қудратли ва бой бўлади. Армон эллари

дилларда макон тутолмайди. Ёшларнинг руҳият иқлими баҳор иқлимидай эз-гулик уруғларини кўкартирувчи тонгдай тоза ва тинч, баҳракор бўлса, оталар мамун, оналар хушнуд. Ёшлар ўқиш, хунар ўрганиш бараварида ўзларида маънавият илдизлари ҳам озик беришлари, сабоқ ишларга, эзгуликка дахлдор бўлишлари жоиз. Умар Хайём айтди: «Инсоннинг зоҳири ҳам, ботини ҳам гузал бўлса, билингни, у одамлар учун қадри, Оллоҳ учун суюкли зотидир».

Маънан қашшоқ, ўзалигидан қичиб кетган, дунёқараш, тушунчаси нурсиз кимсалар ок сут бериб боққан онаизорини, бўйига гул ўлғаб ўстирган оила сўлтони — отасининг ҳам ҳурмат-изза-

тини жойига қўймайдилар. Бундайлардан не тама, не истак?! Ёшларнинг сарғашта туйғуларига тўғри йўналиш бериш, уларни зарарли ташқи таъсирлардан асрашимиз, ёмонларга ёндоштир-маслигимиз керак.

Долзарб замон шиддати ёшларда меҳнатга, хидоятга юкунши ҳислатларини тарбиялашни тақозо этади. Шу мақсадлар боис 1-Тошкент Давлат Тиббиёт институтининг Урганч филиалида ёшларга тиббиёт таълими билан бир қаторда маънавий тарбияга ҳам ургу бериляпти. Юз иззат, юз шараф соҳиб бўлмоқ учун ёшлар физик-фужур аҳлига эмас, илмга ҳамдам бўлиб, эл-юртга кўпроқ наф етказмоқ аҳдида кунту ихлос билан ўқиятилар, етуқлик машини олаптилар. Филиалда маънавий тарбия билим олишнинг асосий тарқийбий қисмини ташқил этади. Хотин-қизлар кенгаши, мураббийлар кенгаши, талаба ва ишчи ходимлар касаба уюш-

маси, ёшларнинг «Камолот» жамғармаси фаолиятларини ягона мақсадга мувофиқлаштируви Маънавият ва маърифат кенгашининг амалга ошираётган тадбирлари ва хайрли ишлари ибратлидир. Кенгаш ҳар ойда бир марта қақирлиб, унда ушбу жамоатчилик ташкилотларининг фаолияти қараб чиқилади, навбатда амал қилиши лозим бўлган тадбирлар белги-ланади. Йўналиш берилади. Йигит-қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларга толмас қанот, ирода ва жасорат сабб-қанот, ақл ва заковат бахш этиш жараёнида хотин-қизлар кенгаши томонидан «Сиз эртага келин бўласиз», «Қизим сизга айтар гапим бор», «Ота бўлиш осонми?», «Ота-ана — оила сўлтони» каби ҳаётий, ҳая-жонли ва завқли мавзуларда давра сўхбатлари, орзуларга қанот берувчи умидбахш тадбирлар тез-тез ўтказилиб турилади.

Давоми иккинчи бетда



Сўнгги йилларда мамлакатимизда таржимачилик соҳасида улкан ишлар амалга оширилди. Ана шундай қилин ва эзуғи ишга баракали хисса қўшаётганлардан бири моҳир таржимон Амир Файзулладир. Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир, «Тараққиёт» (кейинчалик «Камалак») нашриётининг Тошкент бўлимида таҳрират мудири, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриётининг ўзбек тили бўлимида мудир бўлиб хизмат қилган Амир Файзулла ҳозирги кунда «Жаҳон адабиёти» журналининг Шарқ бўлимини бошқармоқда. Ҳа, Амир аканинг деярли бутун ижодий фаолияти китоб нашри ва адабиёт билан chambarchас боғлиқ. Кўнчилиқ таржимонлардан фарқи уларок, Амир Файзулла асарларни аслиятдан ўзбекчага ўтиради. Аслиятдан таржима қилиш эса ҳар таржимоннинг эзуғи орузи экани ҳеч кимга сир эмас. Билвосита таржималарни таржимон ҳазил, ярим чин маънода «шурвасининг шурваси» деб таърифла-

шадди. Бу фикрда жон бор албатта. Хинд шоирларининг шерларидан намуналар, хинд романлари ва эртакларининг аслиятдан таржима этилганига ҳам йигирма йил тўлиб қолибди. Утган Амир Файзулла таржимасидеган салмоқли жумла салкам икки йил давомида ҳар ҳафта ҳар бир томошабинга таниш бўлиб қолди. Бу бежиз эмас албатта. Хинд халқининг энг қадимги хажима қилиш, машинкадан чиққандан кейин муҳаррир ва овоз берувчи артистлар билан ишлаш... Боз устига, буларнинг барчаси фильмнинг ҳар бир қисми ҳафтанинг маълум кунда эканлик билан таржимоннинг романини, Лайло Усоннинг «Васмия денгиздан қайтиб чиқади» киссасини эълон қилди... Яна беш асарни нашрга тахт қилиб қўйганидан ҳам хабардорман. Шунча ишни қойил қилиб дундирган захматқаш таржимон айна кунларда хинд халқининг иккинчи буюк достони «Рамаяна»ни хиндий тилидан ўзбекчага таъдил қилиш билан банд. Демак, «Маҳобҳорат»даги ижодий маҷаққатлар яна такорланмоқда. Бу галгисига тағин-да масъулиятли. Ҳафтасига бир йўл икки қисми тахт қилиш керак. Томошабин экран рўпарасида мунтазир. Булар Амир Файзулланинг мустақиллики мустаҳкамлашга қўшаётган камтарона хиссаси.

Амига билан таржимоннинг романини, Лайло Усоннинг «Васмия денгиздан қайтиб чиқади» киссасини эълон қилди... Яна беш асарни нашрга тахт қилиб қўйганидан ҳам хабардорман. Шунча ишни қойил қилиб дундирган захматқаш таржимон айна кунларда хинд халқининг иккинчи буюк достони «Рамаяна»ни хиндий тилидан ўзбекчага таъдил қилиш билан банд. Демак, «Маҳобҳорат»даги ижодий маҷаққатлар яна такорланмоқда. Бу галгисига тағин-да масъулиятли. Ҳафтасига бир йўл икки қисми тахт қилиш керак. Томошабин экран рўпарасида мунтазир. Булар Амир Файзулланинг мустақиллики мустаҳкамлашга қўшаётган камтарона хиссаси.

ДИЛНИ ДИЛГА БОҒЛАЙДИ «МАҲОБҲОРАТ» ВА «РАМАЯНА» ЎЗБЕКЧАДА ҚАНДАЙ ЯНГРАЯПТИ?

Назира ЖҲҲАЕВА



...Гуллар аро гулларнинг «Раъно»си...

ОЛИМПНИНГ ҒАЙРАТИ

Маънавият ҳар бир одамнинг ҳаётида чуқур илдиз отиши ва самаралар бериши учун қуримас булоқларимиздан тез-тез баҳрадор бўлмоқчи ҳар биримизга ҳам фарз, ҳам қарз. Олим Назар Ражабов «Маънавият сарчашмалари» деб аталган бир тўплам тайёрлаб, уни қўлланма сифатида нашр этди. Унга ҳикматли сўзлар, халқ мақоллари, Имом Бухорий, Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Аҳмад Югнакий, Амир Темур, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Ҳамза Ҳакимзода Ниязий каби буюк аждодларимизнинг ҳаётий сўзлари, саралаб олинган ҳадислар жамланган. Муаллим маънавий меросимиз тарихидан айрим лавҳаларида ўз қарашларини баён этади. Бунда у Президент И. Каримовнинг «Мафкура бўлмаса одам, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррардир» деган сўзларига сўянади.

Ватан ва Ватан туйғуси ҳақида тўпламда Имом Бухорий, Абдурауф Фитрат ва Ойбек каби аjoyиб алломалар, буюк сиймоларнинг ёрқин фикрлари келтирилади. Китобда Президент Ислам Каримовнинг маънавият ва мафкура ҳақидаги ўғитларидан намуналар берилади. Масалан: «Маънавиятмиз қўлимизда енгилмас кучга айлансин», «Миллий мафкура миллатни бирлаштирувчи байроқдир» каби. Шу кунларда Назар Ражабовнинг «Лотин алифбоси асосида ўзбек ёзувини ўрганишимиз» (ҳамкорликда) ўқув қўлланмаси нашрдан чиқди. Олим ғайрат қилиб «Ўзбек тили ва адабиёти» деб номланган 18 босма табоқ ҳажмидаги олий ўқув юрталари талабалари учун тайёрлаган дарслик ҳамда «Она тили ўқув қўлланмаси»ни нашрга топширди. Амир Темур ва унинг сеvimли набираси хусусида лавҳалар, «Қонунни рўёбга чиқариш йўлида», «Давлат ва давлат тили хусусида» каби тадқиқотлари тугаллади.

Олим Назар Ражабовнинг «Маънавият сарчашмалари» китоби илмий асарлар танловларида ўз муносиб баҳосини олади деб ишонамиз. Душан ФАЙЗИЕВ, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган санъат арбоби, Абдуразақ ҒАФҒОРОВ, филология фанлари доктори, профессор

ЭСКИ БИНОЛАРИМИЗ

«Зарафшон» газетасида бундан бир неча кун илгари Самарқанд эски бинолари тўғрисида бир неча мақола ва хабарлар эълон қилинди. Бу хабарлардан англашлгонига қараганда Туркистоннинг обрўси ва бойлиги бўлган эски биноларимиз бузилиб кетмақда. Шу биноларни асрамоқ ва тузатмақ учун бир неча йил бурун бир комиссия белгиланган ва унинг қўлига оқча ҳам топширилган эди. Уткан йил чиққан «Меҳнатқашлар товуши» ва бу кунги «Зарафшон» газеталари буларнинг қилган жиноятлари ҳақида қўб эди. Бу газеталарнинг кўрсатгалари шулар: 400 йил бундан илгари ясалган ва Самарқанддаги мадрасаларнинг энг нафис бўлган Мирзо Улуғбек мадрасасининг ташқари ва ички қисмида минора остларида чукр ўйлиши ва уларни қўм-маслик. Баҳор, кишининг қор-ёмиғирлари чукрларга тушиб ётқонда халқнинг галаёни келиб, курак ва кетмон олиб кумаги. Туркистоннинг ҳеч бир шаҳарида мисоли йўқ ва ҳатто Самарқанднинг ташқи биноларидан ҳам ўзининг нафислиги билан юқори даражада турган

«Шоҳизинда» биносининг қосишлари ўғирланмоғи... Шу хабарлар чиққан қўб хабарлар бўлиб ўтди. Самарқанд музофот Ижроқўми томонидан бир комиссия ҳам белгиланди. Бирок ҳар бир ишимизда бўлган каби бу ишимизда ҳам камисия ҳеч иш қилгани йўқ, ҳатто ўзи тарқатиб кетган. Шу кунларда а в к о ф н и н г баъзи вақфлари ўз қўлига киргани учун мадрасанинг баъзи жойларини тузатишқа киришилди. Фақат, яна эски монелар; «Осори атика камисия» келиб, ремўнтинг мис қилди. «Янги хиш билан ремўнтинг қилди.»... Баъзи муносиб жойларга тушқан қосишларни тузатмақчи бўлганда қўймайдур.

лан борса, яқинда биноларимиз хароб бўлур; мамлакатимизнинг энг қимматлиқ бойлиги йўқолиб кетар. Бундан юқориди эзилган камисияда 23 киши ишлар экани, шуларнинг ҳаммаси ойлик олакисидур. Шунингдек, асосан овурупликлардан иборат бўлган «Осориатика комиссиясининг фаолиятсизлигини, уларнинг ерлик усталарга нисбатан ишонсизлиги ва эътиборсизлигини ва ерлик усталарга обидаларни тузатиш ва таъмирлаш ишлариди қаршилик қилишларини танқид қилади, ҳамда мамлакатимизнинг бойлиги ҳисобланган осори атикаларни тузатиш фақат ўз усталаримизнинг қўли билангина амалга оширилиши мумкин, деган фикрини олға суради.

Феруза НУРИДДИНОВА

муҳандис ва устамиздир. Агар бу киши овуруплик бўлса эди, албатта бу кишининг даражаси ортиқ бўлур эди. Шу одам қачондан бери миноралардан йиқилишга яқинлашқон бирини бузуб, бошқадан ясаб бермақчидур. Камисия ўзи шу ҳолида сакламоқчи. Бирок, бўлмайдур; ўзининг йиқилишидан қўра қосишларини нобуд қилмасдан бузуб, бошқадан қўрмақчидур. Бу сўзни кимса айтмайдур, эшитмақчидур. Кўксига, Самарқанднинг эски бинолари битмақ узрадур. Бунинг сакламоқ учун тайин бўлган камисиянинг ишонсизлиги маълум. Уни ўзгартиш керак. Самарқандда бу ишқа кимса аҳамият бермайдур. Марказдан бир иш бўлмаса, бундан умид йўқ. Марказ осори атика камисиялари ҳам мажбул кишилар, улардан ҳам умид йўқ. Шунинг учун бу ишнинг чорасини бошқачароқ қўрмақ керакдур. Биз шуни сўраймиз.

В. М. (Вадуд МАХМУД) Самарқанд, «Туркистон», 1923 йил, 22 март, 93-сон, 3-бет.

1994 йилдан Ўзбекистонда бошланган хусусийлаштириш ислохотларга янги тўлқин бағишлади. Президентимиз раҳбарлигида мамлакатда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ишчил йўлдан бораёпти. Ҳозирги замонда ҳар қандай давлатнинг ўсиши, раванс-фаровонлиқ топиши шунга чамбарчас боғлиқ. Хусусийлаштириш кичик ва ўрта бизнеснинг жонлиши — тарихий майдонга янги иқтидорли, ғайрат-шижоатли инсонларни олиб чиқди. Ўзбекистонда бу соҳаларда аjoyиб хотин-қизлар ҳам фаолият кўрсатиб, мамлакат ривожига муносиб улшларини қўшмоқдалар. Мунира Қориева шундай давр майдонга олиб чиққан муносиб аёллардан бири.

соҳаси истиқболли йўналиш — бозор иқтисодидан нега энди кечкада туриши керак? Энг зарур дори-дармонларнинг доим тақчиллиги эски тартибда оқсоқланб турмушимиздан эканлиги сир эмаску. Шундай мулоҳазалар мени ишга улади. Шу соҳа ҳодими, қолаверса, мутахассис сифатида халқимиз ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ жараёнда иштирок этишим жуда зарурлигини ҳис қилдим.

рилар диққати учун бир нечасини тилга олиб ўтсангиз. «Мерк Шарп и Доум идея Инк», «Бристол-Майерс Сквирб», «Фармация ва Анджон», «Файрвэй Инк», «Элай Лилли», «Шеринг Плау» (АҚШ), «Смит Кляйн Бичем», «Нортон Галена» (Англия), «Санови», «Пьер Фабр Медикамент», «Бофур Ипсен Интернасьонал», «Иннотек Интернасьонал», «Рон-Пу-

нишларга эга эди. — Тўғри айтасиз, у пайтларда дори соҳасида биздаги ишлаб чиқариш микдори республикамиз аҳолиси эҳтиёжини беш фойз атрофидагина таъминларди. Фаолиятимизни эндигина бошлаган кезларимда мени қўйнаган иккита муаммо мана шу билан боғлиқ эди. Мамлакат аҳамиятига молик ушбу муаммонинг ҳал қилинишига ба-

Тикланиш кишилари



мизда ишлаб чиқариш — бу бир босқич иқтисодий фойда бўлса, унинг хом ашёсини ҳам мамлакатимизда етказиб бериш — иккинчи босқич иқтисодий фойда бўлур эди, яъни бундан махсулотларнинг чинакам арзонлашувига эришилади. Тошкент Фармацевтика институтини ва илмий текшириш институтини билан илмий ҳамкорликда ушбу масалани ҳал қилишга киришиш ниятида турибмиз, чунки шу ҳамкорликда масала ечимига етарли илмий-амалий салоҳият, имконият бор. Энг асосийси, юртовшимиз ва ҳукуматимизнинг қўллаб-қувватлаши, ёрдамини ҳар қандамда, ҳар бир ишимиз бошида ҳис қилмоқчимиз. Фидойи ҳодимларимиз бор, ишончли ҳамкор дўстларимиз бор, барчамиз ҳамжиҳат, ҳамфикрликда фаолият юргизамиз, изланамиз.

— Хурматли Мунира-хон опа, сирасини айтганда, тайёр қурилган катта корхона ёки заводга раҳбар бўлиш, муваффақиятларга эришиш, кўпчилики манфаатдор қилиш, эл олдида эътибор топишининг мураккабликлари бисёр. Оддий, кичик дорихона «Жўрабек» номи билан хусусийлаштиришдан бошланган фаолият бугун катта бир доирани қамраб турибди — дори ишлаб чиқариш заводининг қурилиш ишга тушириляётгани, юзлаб хорижий ва ички ҳамкорликлар... Илк қадам лажзалирдан мақсад ва орзуларингиз оқилона тадбирлар билан рўёбга чиқаётганлиги ва бу ишлар бари давримиз, мамлакатимизга ҳамоҳанглиги одамни қувонтиради.

«Жўрабек»нинг туғилиши ва парвози «Жўрабек» хусусий фирмаси бош директори Мунира ҚОРИЕВА билан сўхбат

1994 йил 16 декабр кунини даврининг илк босқичларида ангилликларга ташаббускор бўлган бир гуруҳ кишилар билан мамлакатимиз Президентини учрашув ўтказди. Ушбу унутилмас учрашувда менинг дори бизнеси муаммолари, дори-дармонлар тақчиллигини бартараф қилиш имкониятлари, дунёнинг энг яхши фирмалари махсулотларини бозоримизга олиб киришни йўлга қўйиш ҳақидаги амалий тақлифларга асосланган маърузам қизиқтириш ва эътироф билан тингланди. Кўп ўтмай бу соҳадаги ҳамкорликнинг юнўни асослари барпо бўлди. Шу йили Швейцариянинг машҳур «Ф. Хоффманн — Ля Рош Лтд» ҳамда Чехиянинг «Про. Мед. Прага Ч. С.» фирмалари билан шартнома асосида илк фаолиятларимизни бошлаб юбордик. Айни уша йиллари дори-дармонлар тақчиллиги туфайли унинг савдосида турли нохушлиқлар юзага келган, ҳар хил шароитда сотиляётган дориларнинг фойдасидан қўра эиени қўпаяётган, ҳатто сохта дорилар пайдо бўлиб қолган ҳолатлар кузатиляётган эдики, бизнинг ишимиздаги тезкор қадамлар бир йил ичида шундай аянчилик вазиятларга чек қўйди. Ҳам ҳамкорларимизнинг, ҳам халқимизнинг ишончини қозона бош-

ладик. Эл-юрт бизни қутиб турганлигини англадик. Ана шу англаш хисси бизни кенг жараёнларга етказди. — Демак дори савдосида фирмада махсулотнинг туриб қолиш, таъабот тили билан айтганда, бир пайтлардаги вақти ўтиб кетиш ҳолатларига чек қўйилди, шундайми? — Гарчи бозор бўлса ҳам, лекин эзилмаган бир қоида ҳам бор: дорини мақтаб со-

ленк Рорер» (Франция), «Янссен-Силаг», «Ю. С. Б.» (Бельгия), «Байер АГ», «Берингер Ингелъхайм Г. м. б.х.», «МЕРК К. Г. аА», «Шеринг АГ», «Берлин-Хеми АГ», «АСТА Медика» (Германия), «Ф. Хоффман-Ля Рош Лтд», «Новартис», «Солко-Базель», «Ривоврам» (Швейцария), «Биохеми Г. М. Б. Х.», «Эбе-

ВО АЖАБО! Агар ит орқанда эргашиб бораётган бўлса, у-ит мабодо, олдига тушиб кетаётган бўлса, билангиз, у-бойвучча ит. Қадим Африка мақоли

кент шаҳри ва барча вилоятлардаги жами 1000 дан зиёд турли шаклдаги дорихоналар билан савдо алоқаси ўрнатганимиз. Аҳоли бевосита дори-дармонлар харид қилиш имконига ҳам эга — пойтахтимизда 3 та филиалимиз фаолият кўрсатиб турибди. — Кишиларимизда даволашнинг хорижий усулларига нисбатан ишонч кучли бўлгани каби чет эл дори, перепаратларига қизиқиш, ишонч ҳам оз эмас. Шу маънода фирмамизнинг жаҳонда етакчи ҳамкорларидан мушта-

ҳоли қудрат хисса қўиши мақсадида Тошкент вилоятининг Олмалик шаҳрида хорижий технологиялар асосида бир йилда 180 миллион дона таблетка, 120 миллион дона капсула ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган завод қуришга киришдик. Айни пайтда заводнинг бир қисми — капсула ишлаб чиқариш цехи ишга тушган, икки хилдаги капсула — ампициллинлар тайёрланмоқда. 2000 йилнинг 1 ярида заводимизни тўла қувват билан ишлаш мўлжалланмоқда, бу пайтда эса 40 га яқин турдаги дори-дармонлар ўзимизда тайёрланадиган бўлади.

— Тиббий хомашё тайёрлаш ҳам бир нозик, бошқа соҳалардаги каби далага экиб тайёр ундириб олинадиган ёки ердан казиб чиқариладиган эмас. Завод учун бу масалани қандай ҳал қилаёсизлар? — Сиз бизни жиддий ўйлантираётган катта масала ҳақида сўз очаянчис. Завод хомашёси асосан Америка ва Италиядан келтириляпти. Чунки дори-дармонлар учун хомашёлар синтез йўли билан махсул заводаларга тайёрланади, бундай заводалар эса бизда ҳозирча йўқ. Аслида дори ва препаратларни ўзи-

JURABEK LABORATORIES LTD. DARDINGIZGA SHIFQ TILAYMIZ! Oltinazor ko'ch.165, Toshkent-700003, O'zbekiston Tel: (998712) 456146, 458465, Fax: (99871) 1207400

Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари олдидан

ЎЛСАМ, ЎЛИМИМ ҲАМ БЎЛСИН МУҲТАШАМ...

Ёсиюки РИЭ

«Мовий хона» (1963), «Тушда» (1968) ва бошқа шеърӣ тўпламлар, шунингдек, эссе, очерк, болалар учун эртаклар муаллифидир. Баъзи шеърларида идеалларнинг ҳалокати туйғулмай қолган исёнкорлик руҳи учраса-да, кўпчилик шеърларида романтик туйғуллар ҳукм суради. Ижодиди интим лирика катта ўринни олади.

ЎН ЕТТИ ЁШДАГИ УКАМ ДЕЙДИКИ...

Ўн етти ёшдаги укам дейдики: «Қор ичига музлаб ўлгим келади». Мен, йигирма икки ёшли опаси, дейман: «Бу — сенга ярашмас. Бу — жуда хунук...» Ўн етти ёшдаги укам дейдики: «Тасаввур қил! Самосвал қор билан мени ағдарар. Бу — менга жуда ярашар! Билмайман, мен нечун туйғулганимни — фақат шундай ўлгим келади — қорда. Ўлсам, ўлимим ҳам бўлсин мухташам! Мана, нима қилай — ҳозир тирикман?! Ҳаёлимда, менга ярашмас яшаш». Мен, йигирма икки ёшли опаси, дейман: «Билганингни қил! Қандоқ хоҳласанг — ўшандоқ яша...»

Окада ТАКАХИКО

«Тарих ва тақдир» (1964), «Денгиз қанотлари» (1971) ва бошқа шеърӣ тўпламларнинг, шунингдек, бир қатор адабиётшунослик ва санъатшуносликка оид тадқиқий ишларнинг, шу жумладан, «Ҳозирги замон санъати — хомхаёл ва инсон» (1971) номли мақолалар тўпламининг муаллифи.

Йиқилган юлдуз

Осмон — кўринмас уй — тутун чиқарар, Тип-тиник шом эса очик ва тоза. Менинг назаримда, бу мавсум нукул одамдан қор ва тер сўраётгандай. Йўлларда шалоғи чиққан йўловчилар судралиб боришар парво ҳам қилмай ҳижиллаган болаларига. Сассиқ каломлардан қутулмоқ қийин. Кўшиқ тилса туннинг қора пардасин ва олам бўғзидан қуласса юлдуз, ёзнинг кир-чир кўки ерга тортилсин, ортида нурланиб илоҳнинг қўли. Мирэзис АбЗАМ таржимаси

1999 йил — Аёллар йили

лиши, аста аланга олишини тасвирлаш мен учун жуда қизиқарли бўлди. Фильмдаги келин-куёв муносабатлари, уларни қовуштираган Момо (Бу ролни Дилбар Икромова ўринлаштириб ўйнади) — булар менга олам-олам қувонч бахш этди, ҳаёт муаммолари ҳақида фикр юритишга ўргатди. Шунинг учун ҳам кино санъатининг имкониятлари чексиз эканлигига яна бир бор ишондим. Навкирон санъат камол топаверсин. Менга яхши роллар тилан! Янги роллар ўйнашга ошмакман!..»

Уч актрисанинг сўзлари га аҳамият беринг — улар кинодан миннатдорлар. Аслида кино ая, Тамара опа, Раънохон қабилардан миннатдор бўлиши керак. Зеро, уларсиз бирорта фильм тасаввур этиб ҳам бўлмайди. Ўзбек киносининг шох асарларини бунёд этилишида улар ҳам актриса, ҳам монтажер, ҳам режиссёр, ҳам сценарийнавис, ҳам овоз оператори сифатида ижод этганларини ёдда сақлаймиз. Шунинг учун Юлдуз опа Раъновани кўраганимда ҳар гал «Юлдуз опа, Зухрани ўйнаганингиз, ўзбек киносининг гўзаллигини, ифтидини, латофатини, элтирига бўлган муҳаббатини, садоқатини оламга номён этганингиз учун раҳмат!» — дейман. Лола Элтоевани эса икки сериялик «Утган кунлар» фильмида Зайнабни ангина талқин этгани, Қодирий қахрамонининг мураккаб характери очиб бергани учун қарлашимни айтаман. Бу каби истеъдод соҳиблари миллий кинематографиямизга хизмат қилар экан, навкирон санъатининг истиқболига ишонч билан қарагин келади.

Ҳамидулла АКБАРОВ



Ажиб суҳбатлардан...

Тамара Назарова (Халқ артисти): — Кинодан, унга хизмат қилаётганлардан миннатдорман. Гулидек ўзи гўзал, ақли, хулқи гўзал қизни гавдалантиришни менга топширишганида бахтиёр эдим! Ахир бу оқила қиз устод Навоийнинг ёнида бўлган, дўстлик, севги-садоқат ришталари уларни бирлаштириб турган. Уша рол туйғулмай шoirнинг шеърини қайта мувожаат этдим: «Навоий—Гули» мавзусидаги афсоналарни ўргандим... Менга режиссёр Комил Ерматовнинг эмас, буюк актёрлар Асад Исмаилов, Раззоқ Ҳамроев, Обид Жалилов, Лутфулла Нарзуллаевлар кўмаклашганини ҳамisha ёдимда сақлайман. Уша ролдан кейин Муқимий номидаги драма театри сахнасидаги ижро йўлларим ўзгарганини (эҳтимол тақомиллашганини) сезиб турдим. Кинонинг монтажи, объективи, микрофони, янги ижро техникасини қўллашни тақозо этиши менинг ижрочилик боситимига таъсир этганини инкор этиб бўлмайди. Узим ҳам бу санъатга баҳоли қудрат хизмат қилдим... Кинодан мамнуулгишим шундаки, у туйғулмай саккиз ёшимдаги овозим, қиёфам, соддагина ижро услубим тасмада сақланиб қолди. Кейинчалик балоғат ёшига етиб анча мураккаб кишилар сиймосини — «Синчалак», «Сен етим эмассан» каби фильмларни эсланг — яратиш бахтига муяссар бўлдим. Уруш йиллари суратга олинган ва фронтга жўнатишган фильм-концертлардаги кўшиқларим ҳам менга қадрлидир.

(Тамара Назарованинг Ишчилар шаҳарчасидаги хонадонидан 1992 йили бўлган суҳбатдан).

Лутфихоним САРИМСОҚОВА (Халқ артисти): — «Мени «ая» деб қақиривади. Кўчада, бозорда, учрашувларда «Сен етим эмассан» фильмидан кейин шундай бўлди. Менинг Фотиамани шунчалик севиб қолганим, чамаси ўзим ҳам қўшни маҳалладаги Бахрихона (машхур Шоаҳмад Шомамудовнинг рафикаси, ўн тўрт уруш етимининг бошини слаган Баҳри Акромова ҳақида гап кетаяпти Х.А.) меҳр қўйганман, мен уруш йиллари икки-уч етимни асраган бўлсам, кўшним ўн тўрт қиз-у ўғил болага бошлана берди-я! Бирортасини уруш

КИНО ВА



АЁЛЛАР

мади, сўқмади. Оғир дамда бир бурда нонга зор қилмади, илқ сўзга ҳам. Шундай ўзбек аялининг ёркин образини яратиш менга топширилганидан бахтиёрман. Театрда ҳажвий, фожиали, драматик ролларни ўйнашга тўғри келди. Лекин Фотима аяга ўхшагани йўқ. Шунинг учун ҳам яна бир кўшним Раҳмат Файзийга, Ойбек домланинг кўёвлари Шухратжонга («Сен етим эмассан» фильмининг режиссёри Шухрат Аббосов назарда тутилмоқда. — Х.А.), ҳеч тиниб-тинчимайдиган, ўта талабчан Хотам (шу асарининг оператори Хотам Файзиёвни назарда тутганлар ая. — Х.А.) миннатдорчилик сўзларини қайта-қайта айтгим келади. Улар туйғулмай катта фильм барпо этилди. Ҳамшаҳарларимизнинг мардлиги эл тилига тушди. Мендан миннатдор бўлиб хат йўллаганларни айтмайсизми? Шаҳар ва қишлоқлардан ташқари армияда хизмат қилаётган ас-

лик ҳақида ўйлайди. Аслида Асал ҳам унга кўнгли берган, у сари интилган бўлади. Пировардида бир-бирларига ўрганиб қолган, бир-бирисиз туролмайдиган икки шахснинг умр йўллари турлича бўлишига ишора қилинадики, бу ҳол ёшларда фикр-мулоҳаза уйғотса ажаб эмас. Ҳозирча аяга суратга олиниб бўлган «Чимлик»да эса менинг қахрамонини — ёш келинчақ. У ота-онанининг хоҳиши билан уза-тилган. Лекин чимликда кўёв билан мулоқотда бўлиб, у билан ўзбек суҳбат қилиб, турли воқеаларни кўриб, унда иштирок этиб, қайлигини сезиб қолади. Бу жараёни — қизалоқда ишқ кўнларини пайдо бў-



Ислом оламнинг улғу намоёндаларидан бири, фикр илмининг назарбечиси ва амалиётчиси Бурхониддин ал-Марғиновий 1121 йилнинг 23 сентябрыда Риштонда таваллуд топди. Кейинчалик ислом ҳуқуқшунослиги борасида қилган улкан хизматлари учун Бурхон уддин, яъни ислом динининг исботчиси, ҳуқуқшуноси деган сарафли номга сазовор бўлди. Ёшлик йилларини Риштон ва Марғилонда ўтказган олим Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида фикр илмини кўн билан ўрганди, шу соҳага оид бир қатор китоблар ёзди. Унинг «Ал-Ҳидоя» асари бутун муслмон дунёсида тан олинган ва ҳуқуқ бўйича асосий манба ҳисобланган.

«Ҳидоя»да шариат масалалари, исломнинг асосий маросим талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий қоидалари, хусусан, таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж, қурбонлик, оила, никоҳ масалалари билан боғлиқ бўлган қоидалар мукамал шарҳлаб берилган. Машхур аллома ал-Ҳаддо деб таъбири билан айтганда, «Ҳидоя» асари «Қуръон» сингари ўзидан илгариги шариат бўйича ёзилган барча китобларни эътибордан четда қолдиради.

Улғу ватандошимизнинг Самарқандга бориб ўрнашиб қолиши ҳақида риштонлик муаллим Комилжон Тешабоев кўндаги ривоятни айтиб берди. Айтишларича, бир муслмон ҳукмдор хориж сафаридан Самарқандга қайта туриб, Риштоннинг ҳозирги «Соҳибий хидоя» қабристонини атрофидаги соя-салқин жойда тўхтаган. Пешин намози вақти экан. Ҳукмдор ўзининг диний уламолари бўлгани ҳолда намозга имом-қабриликка ўта оладиган шу ерлик мулла одам борми? деб сўраган. Ана шунда маҳаллий аҳоли ёш Абдул Хасанининг ҳузурига олиб келишди. Ёш имом бундоқ қараса намозxon ахли мўминлар узок йўл юриб, хориб-чарчаб келган. Шу боис 10 рақатли намозни тўлик, лекин қисқа сўра билан ўқиб оқ фурсатда тутгатади. Шунда уламолар «шоҳимиз ва ахли муслмонларни ҳурмат қилмай, нечун намозни қисқа қилдингиз?» деб дашном берадилар. Шунда ёш имом бунга жавобан «малол келиб ўқилган намознинг савоби кам бўлади» деб

жавоб беради. Бу жавоб ҳукмдорга маъқул тушиб, келажаги порлоқ йигитнинг билимини янада ошириш учун Самарқандга олиб кетади... Ёш Абдул Хасан Самарқандда яшаб ўқийди, уйланади, шу ердан улғу ҳаж ибодатига бориб келади ва шу ерда ўзининг Ислом оламида маъзлум ва машхур — «Ал-Ҳидоя» асарини ёзиб

хўбонлар қисқа фурсатда сифатли қилиб барпо этилди. — Зиёратгоҳ битиши билан дилимизда яна бир иштибоқ туғилди, — дейди ҳамроҳим, — туманимизда «Бурхониддин Марғиновий Рошидоний» ҳуқуқий меросининг илмий-амалий аҳамияти мавзусида халқаро анжуман қачирасак, қа-

РИШТОН ТУПРОҚИДАНИ ТАРАТТАН ЁРДУ

тутгатади. Мавлоно Шайхул ислом шайхул раис мартабасига эришди.

Туманимизда Бурхониддин Марғиновий Рошидоний фаолиятини ўрганишга, унинг хотирасини абадийлаштиришга, макбарасини қайта тиклашга истиқлолдан сўнггина астойдил киришилди, — дейди Риштон туман ҳокими муовини Ҳамид Бурхон, — туман ҳокимлиги 1997 йилда «Бурхониддин Рошидоний» нодавлат хайрия жағмарасинини тузиш тўғрисида махус қарор чиқарди. Ана шундан кейин бундан бир-икки йил олдин ҳазрат туйғулб ўрган Риштоннинг Чингарон маҳалласи Даҳбед мавзеси аҳолиси бошлаган хайри иш туман бўйича оммавий тус олди. Тумандаги «Фарғонафот» қонлар бошқармаси, Риштон агросанот комбинати, туман газлаштириш идораси, М. Топиволдиёв номидаги жамоа ҳўжаллиги каби жуда кўнлаб жамоалар, оғзаб, минглаб риштонлик соҳаватпеша инсонлар буюк бобокалонимиз зиёратгоҳини тиклаш, ободонлаштириш ишларига сидқидилдан ёрдам бердилар. Қисқа фурсатда бу ерда 6 миллион сумликдан зиёд қурилиш — таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Макбаранинг асл кўнлини сақланган ҳолда, миллий мейморчилик анъаналари билан уйғунлашган асосий зиёратгоҳ, қўракам чорси айвон, меҳмонлар учун уч-тўрт хонали бино, йўл ва дарвозалар, боғ-роғ, гулзор,

Миллий Маркази раҳбари, ЎзФА муҳбир аъзоси Акмал Саидовнинг хизматлари бекиёс бўлди. Таниқли олимнинг анжуман арасида «Бурхониддин Марғиновий-буюк ҳуқуқшунос» рисола си чоп этилди. Ана шу китобда таъкидланганидек, Бурхониддин Марғиновий «Ҳидоя» асари-

ни яратишда Қуръони карим, ҳадислар, дастлабки тўрт халифа саҳобаларининг ривоятлари, суннийлик оқими асосий мазаҳаблари-ханафий, маликия, шафоеъия, ханбалая асосчилари Абу Ханифа ан-Нуъмон ибн Собит, Абу Абдулло Малик ибн Анас, Муҳаммад ибн Идрис аш-Шафоеъий, Абу Абдулло Аҳмад ибн Ханбалларнинг йирик асарларига, уларнинг шоғирд ва издошлари асарларига таянган.

Халқаро анжуман иштирокчилари энг аввало Риштоннинг Чингарон маҳалласи, Даҳбед мавзеедаги «Соҳибий Хидоя» қабристонига бориб, янги тикланган, риштонлик усталар ва кулобларнинг нозик санъати ва маҳорати акс этиб турган ар-Рошидоний макбарасини зиёрат қилдилар. Улғу аллома руҳи покига Қуръон тиловат қилинди. Анжуманининг асосий қисми туман санъат саройида туман ҳокими Адхамжон Мирзахмедовнинг «Барчани хидоятга чорлаган аллома» мавзусидаги маърузаси билан бошланди. Шундан сўнг таниқли ҳуқуқшунос, ЎзФА муҳбир аъзоси Акмал Саидов, Франциядаги Марказий Осиеъни ўрганиш институти докторанти Ҳабибахоним Фатҳи, Халқаро Ислом тадқиқотлари Марказининг Ислом тарихи ва маданияти бўлими мудири Салоҳиддин Муҳиддинов, афғонистон-

дун ўтган аждодларимизни эслаш, уларнинг чирогини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Бу халқимизга хос азалий фазилатлар» деган пуржикма сўзлари ҳам туртки бўлди, албатта. Халқаро анжуманга таййгарлик жараёнида Бурхониддин Марғиновий Рошидонийнинг машхур «Ҳидоя» асари ўзбекчага ўғрилиб нашр этилди. Бунда инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон

ВО АЖАБО!  
Оати юз йил илгари татар қўлирида чодирнинг остонасига оёқ босиб ва чодирга қираётганда унга тортилган арқонларни ушлаш жиноят саналарди. Бундай қараш ҳозир ҳам йўқлиб кетмаган.

Тайлор

Хотира ўлмасдир, хотира мангу!

Ортиқали НОМОЗОВ

Муассис: Миллий тиклани демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 00136-ракам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 0782. Сотувда нархи эркин. Ҳаҳми 2 босма табоқ. Саҳифаловчи: Холида ИСЛОМОВА

Манзилими: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси — 32. Телефон 133-50-18. «Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй